

**“Ўзмиллийбанк” АЖ Бошқаруви Раиси А.Қ.Мирсоатовнинг**  
**2024 йил учун энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КР) га эришиш бўйича**  
**“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Т/р	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
<b>Бошқарув Раиси (A.Қ.Mирсоатов)</b>				
1.	Давлат раҳбарининг Республика худудларига қиласидаги ташрифларига пухта тайёргарлик кўриш юзасидан тегишли ишлар амалга оширилиши бўйича умумий назорат ўрнатиш.	<ol style="list-style-type: none"> <li>Ташрифлар давомида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида бириктирилган худудларга чиқиши.</li> <li>Худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш кўрсаткичлари билан танишиш.</li> <li>Бириктирилган худудларни ривожлантириш бўйича берилган топшириқлар ижросини таъминланишини назорат қилиш.</li> </ol>	2024 йил давомида	Бошқарув Раисининг ўринбосарлари, Банк Ижро аппарати, Бош банкдан худудларга бириктирилган масъуллар, Ҳудудий Бош бошқармалар.
2.	“Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали топшириқ ва вазифаларнинг ижросини таъминлаш ҳамда ташкилий ишларни мувофиқлаштириш.	<ol style="list-style-type: none"> <li>Ҳар ойда тегишли департаментлар билан биргаликда “Ijro.gov.uz” тизимида назоратда турган топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича муҳокамалар ўtkазиши.</li> <li>Топшириқлар ижросини таъминламаган масъулларга нисбатан интизомий чоралар кўриш.</li> </ol>	Доимий равища  Ҳар ой якунида	Бошқарув Раисининг ўринбосарлари, Банк Ижро аппарати, Тегишли департаментлар, Ҳудудий Бош бошқармалар.
3.	Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2023 йил 20 ноябрь куни ўтказилган йиғилишнинг 38-сонли баёнида берилган топшириққа асосан республикада хизматлар соҳасида 2,5 млн.та янги иш ўринларини яратишнинг мақсадли режа кўрсаткичларини худудлар ва йўналишлар кесимида ишлаб чиқиши.	<ol style="list-style-type: none"> <li>Худудларда хизматлар соҳасини ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш имкониятларини ўрганиш мақсадида Ишчи гурух ташкил қилган ҳолда худудларга хизмат сафарига юборилишини таъминлаш.</li> <li>Ишчи гуруҳи томонидан худудий ҳокимликлар билан ишларни ташкил қилган ҳолда хизматлар соҳасида аҳолини банд қилиш бўйича худудлар ва йўналишлар кесимида мақсадли режа кўрсаткичларни ишлаб чиқиб худудий ҳокимликлар томонидан тасдиқланишини назорат қилиш.</li> </ol>	2024 йил январь ойи давомида	Бошқарув Раисининг ўринбосарлари, Давлат дастурларини молиялаштириш департаменти.

Т/р	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		3. Амалга оширилган ишлар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига хисоботлар киритишни назорат қилиш.		
4.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 15 ноябрдаги “Аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилишининг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-366-сонли Қарори доирасида аҳолини бизнесга жалб қилиш чораларини кўриш.	1. Мазкур қарор ижросини таъминлаш максадида аҳолини бизнесга жалб қилиш чораларини кўриш устидан назорат ўрнатиш.	2024 йил давомида	Бошқарув Раисининг ўринбосарлари, Кичик ва ўрта бизнес департаменти, Кредитловчи департаментлар.
5.	Юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган мурожаатларни тегишли департаментлар томонидан ўрнатилган тартибда кўриб чиқилиши бўйича умумий назоратни амалга ошириш.	1. Масъул департамент ва худудий Бош бошқармалар томонидан Юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган мурожаатларни белгиланган муддатларда кўриб чиқилишини таъминлаш. 2. Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси ва Марказий банк томонидан юборилган Юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари ижросини назорат қилиш. 3. Шахсий ва сайёр қабулларни белгиланган муддатларда ўtkазилишини назорат қилиш.	2024 йил давомида	Бошқарув Раисининг ўринбосарлари, Банк Ижро аппарати.
6.	Ўзини-ўзи банд қилиш истагидаги ижтимоий солиқ тўловларини тўлаган фуқароларга бизнесга биринчи қадам учун 5 млн.сўм миқдоридаги имтиёзли кредитларни онлайн тарзда банк картасига ўтказиш орқали ажратиш.	1. Янги турдаги банк картаси дизайнини тасдиқлаш. 2. Кредит ажратиш шартлари ва скоринг моделини тасдиқлаш. 3. Банк ички меъёрий хужжатларига ўзгартириш киритиш. 4. Миллий мобил иловага тегишли ўзгартиришларни киритиш.	2024 йил март ойи давомида	Бошқарув Раисининг ўринбосарлари, Чакана блок бошқаруви директори, Чакана бизнес департаменти, Ахборот технологиялари департаменти.
7.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2023 йил 3 октябрдаги “Обод хонадон - обод кўча - обод маҳалла” мезонларини биректирилган худудларда жорий қилиш бўйича ишларни	1. Бош банқдан биректирилган ходим томонидан худудларда аҳоли муаммоларини ҳал этиш бўйича олиб бораётган ишларни назорат қилиш. 2. Худудларда аҳоли муаммоларини аниқлаш бўйича	2024 йил январь-март ойлари давомида	Бошқарув Раисининг ўринбосарлари, Банк Ижро аппарати.

<b>Т/р</b>	<b>Амалга ошириладиган чора-тадбирлар</b>	<b>Амалга ошириш механизми</b>	<b>Ижро муддати</b>	<b>Масъул ижрочилар</b>
	ташкил этиш.	сайёр қабуллар ўтказиш. 3. Амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотларни Республика штабига ўз муддатларида тақдим этилиши устидан назорат қилиш.		
8.	Ўзбекистон Республикаси Президенти, Президент Администрацияси, Бош вазир ва Бош вазир ўринбосарлари томонидан худудларга ташрифлар давомида “Ўзмиллийбанк” АЖга белгилаб берилган топшириқлар ижросини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш чораларини кўриш.	1. Хужжатлар айланишини тўғри йўлга қўйиш мақсадида ички меъёрий хужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ишларини мувофиқлаштириб бориш. 2. Банкнинг тегишли таркибий тузилмалари томонидан ижроси таъминланишини назорат қилиш.	2024 йил давомида	Бошқарув Раисининг ўринбосарлари, Банк Ижро аппарати.